

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

МУНДАРИЖА
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Dadayev S., Saparov K. Organik olam va hayvonot dunyosining zamonaviy sistemasi asosda yangi o'quv adabiyotlari yaratish	6
Ro'zimov A.D., Sheraliyev B.M., Yo'ldoshev K.R., Jalolov E.B. Quyi Amudaryo havzasi ixtiofaunasining hozirgi taksonomik holati	10
Абдуллаев Э.Н., Халимов Ф.З., Ҳамзаев Р.А., Раҳимов М.Р., Усанов У.Н., Алиев Д. Зарафшон тоғ тизмасида коврак (<i>Ferula kuhistanica</i>) энтомофаунасининг тур таркиби	15
Абдурасулова С.Ш., Базарова Р.Ш. <i>Candalaria rutellum</i> нинг биологияси ва ҳаёт цикли	22
Авезова У.М., Сатторова Ф.Ю., Маткаримов Н.Б. Тупроқ таркибидаги гумус миқдорининг ҳосил бўлишида ўсимликларнинг экологик аҳамияти	27
Акбаров Ф.И., Жабборов А.М., Тожибаев К.Ш. <i>Ranunculus rubrocalyx</i> Regel ex Kom. географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг таҳлили	29
Бекчанов Х.У., Дусчанов У.Э., Комилжонова Г.К. Фауна жесткокрылых (<i>Insecta, Coleoptera</i>) Хорезмского оазиса	37
Ибадуллаева Ю.О., Рахматова К.И., Бозорова Г.С., Тожибоев Ш.Ж., Махкамов Т.Х. Ўзбекистон миллий гербарийси ноёб илмий объектида сақланаётган <i>Corydalis</i> Dc. туркуми турларининг таҳлили	40
Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К. Микробиологик препаратларнинг мош (<i>Vigna radiate</i> L.) ўсимлиги маҳсулдорлигига таъсири	46
Рахимов М.Р. К фауне мух-журчалок (<i>Diptera, Syrphidae</i>) Зарафшанского хребта	49
Рашидов Н.Э., Қувватов С.Қ., Элмуродова Н.Н. Денгизқўлидаги балиқлар турини аниқлаш	54
Рўзиева И.Ж. Арзиқли ва гипсли тупроқларнинг ўрганилиш ҳолати	57
Содиқова Д.Г., Нуралиев Х.Х., Мирзаев А.Э. Сурхон воҳасидаги дендрарий боғи	59
Хайдаров С.М., Хўжамшукуров Н.А., Абдиназаров Х.Х. <i>Daphnia magna</i> ни етиштиришда озуқа манбаи сифатида микросувўтларидан фойдаланиш	62
Халимов Ф.З. Особенности сезонной динамики почвенных хищников (<i>Coleoptera: Staphylinidae, Carabidae</i>) в агроландшафтах	65
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Aliev Sh. The life and heritage of Sufi Ollayor	70
Jumaeva N.A. Quyi Zarafshon vohasi dehqonchilik madaniyati tarixidan	72
Jumaniyozova S.Sh. Olim M.M. Gerasimovning ilm-fan taraqqiyotiga qo'shgan hissasi	76
Murodova D.Sh. Ta'lim muassasalari faoliyatiga doir Buxoro viloyati davlat arxivi fondlariga tavsif	78
O'tayeva F.X. Ashtarxoniy hukmdorlari boshqaruv faoliyati mustaqillik yillaridagi matbuot talqinida	80
Абдиримов Р., Собиров С. Пахлавон Маҳмуд яшаган тарихий давр	83
Ахматов А.Х. Таълим тизимида ислохотлар учун кураш	84
Бахриев О.А. “Ал-Жамиъ ас-Саҳиҳ” асарининг тўлиқ номи	87
Бекимметов У. Коллективлаштириш даврида Хоразмдаги немис меннонитларининг ер эгаллиги	89
Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигидаги жадид мактабларининг фаолияти	92
Кличев О.А. Крим даврий матбуотида Бухоро амирлари ташрифларининг ёритилиши	96
Курбанов Б.Г. Средневековые литейные формы из Бухары	98
Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигининг шарқ халқлари билан савдо алоқалари тарихидан	100
Қурбонова М.Б. Генерал-шарқшунос Н.С. Ликошин фаолиятига бир назар	103
Мансуров М. Собик Совет даврида туризмнинг ривожлантиришнинг мафкуравий асослари	106
Мансуров М.Ш. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида туризмнинг аҳволи	109
Мирзаев А.А. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида зиёрат туризмнинг ўзига хос хусусиятлари	113
Мубинов М.А. Дипломатические и посольские отношения среднеазиатских ханств с Османской империей	116
Раджабов О.А., Қаландаров Х.Х. Замонавий тарихшуносликда “Катта ўйин” масаласи	119
Салаев И.Б. Хоразм архитектурасида синч усулидан фойдаланиш ва унинг аҳамияти	123
Таджиева Ф.Дж. Хива хонлигида кулчилик муносабатларида аёллар ўрни масаласи	127
Тўраев А.И. Ўғуз қабила ва уруғларининг туркман халқини шаклланишидаги ўрни	129

хонлигида оддий аҳолидан чиққан эркакларнинг на чўри сақлаш, на уларни ўз никоҳларига олишлари имконияти бўлмаган [8].

Ёзма манбаларда баъзи Хива хонларининг ҳамда қариндошларининг хотинлари илгари чўри бўлганлиги ҳақида маълумотлар учратамиз. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг (1864-1910 йй.) суякли хотини Ширинбика ҳам ёшлигида Эрондан ёвмудлар томонидан олиб келиниб, Хивадаги кул бозорида ҳарамхонадагиларга сотилганди. Ферузнинг амакисининг ўғли Матниёз девонбегининг онаси ҳам рус кули бўлган[9].

Рус аёл куллари кўпроқ хон саройида ишлаганлар. Ҳатто баъзи, рус асиралари хон саройи ошхонаси бошлиғи даражасигача ва шу орқали хонга энг яқин киши бўлиш мақомигача кўтарилганлар. Жумладан, Оллоқулихон (1825-1842 йй.) даврида сарой ошхонаси ошпазлари ва озиқ – овқат маҳсулотлари сақланадиган омбор бошлиқлари вазифаларини Анна Васильевна Костина [3, 4] ҳамда Акулина Григорьевна Степанова каби рус асиралари бажарганлар[1].

Манбалардаги баъзи маълумоларга кўра Хива хони ҳарамдаги канизак аёлларига муносабат ҳам яхши бўлган деган хулоса чиқаришга тўлиқ асос бор. Жумладан, Оллоқулихоннинг юқорида келтириб ўтган рус асираларига жуда яхши муносабатда бўлганлигини айнан Г. Степанованинг ўзи ҳикоя қилиб берган бўлса, Анна Васильевна Костинага ҳам хоннинг ўзидан ташқари сарой аёнлари ҳам яхши муносабатда бўлганликларини Фёдор Грушин ва Тихон Рязанов каби рус куллари ўз эсдаликларида келтириб ўтадилар. А. Вамберининг маълумотида кўра хон Сайид Муҳаммадхон (1856-1864 йй.) ҳарам канизакларига ниҳоятда мулойим муносабатда бўлган. Фақат улар бирор бир гуноҳ иш ёки ҳатти – ҳаракатлар қилмасликлари лозим бўлган ҳолос [2].

5. Хулоса.

Умуман олганда биз бу ўринда ёритмоқчи бўлган мавзумиз, яъни Хива хонлигида қулчилик муносабатлари масаласида аёл куллар ёки чўриларнинг ўрни мавзуси хусусида умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, хонликда асиралардан албатта уларнинг ёши ёки ташқи кўринишига қараб, нархи ҳамда қайси соҳада ишлатилиши белгиланган. Шу билан бирга Хива хонлиги ҳам ислом давлати сифатида жамиятда чўри аёлларга дин тамойилларидан келиб чиқиб муносабатда бўлинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бухарин Н. К. Очерки прилинейной жизни оренбургских казаков. “Хивинка”. (Записки войсковой старшины Оренбургского казачьего войска Н. К.Бухарина).— Оренбург: Типо-литография Б. Бреслина, 1892. – 42 с.
2. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - М.: Восточная литература. 2003. – 193 с. (pdf.) (65)
3. Даль В. И. Рассказ вышедшего из хивинского плена астраханского мещанина Тихона Иванова Рязанова // Утренняя заря: Альманах на 1839 год / Изд. В. Владиславлев. - СПб., 1839. - С. 74-92.
4. Даль В. И. Рассказ хивинского пленника Федора Федорова Грушина // Литературные прибавления к «Русскому инвалиду». - СПб., 1838. - № 5. 20 янв. - С. 81-86.
5. Замечания майора Бланкеннагеля, в следствие поездки его из Оренбурга в Хиву в 1793-94 годах / Изд., с объясн. В.В. Григорьевым. - Санкт-Петербург: типография Морского министерства, 1858. – С.7.
6. Кун А.Л. Заметки о податях в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости 1873, 14 август, №32.
7. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – 180 с.(С. 145.)
8. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного сию страну для переговоров. Т. 1. – М., 1819; Т. 2. – М., 1820. // <http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XIX/1800-1820/Muraviev/text5.html>.
9. Хорошхин А.П. Воспоминание о Хиве. (Беглые заметки).//Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – Санкт-Петербург: тип. и хромолит. А. Траншеля, 1876. – С. 473-483 с.
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Исломда инсон ҳуқуқлари. Ислом ва қулчилик.// <http://www.info.islom.uz/03/30/2016>.

УЎҚ 93/94

ЎҒУЗ ҚАБИЛА ВА УРУҒЛАРИНИНГ ТУРКМАН ХАЛҚИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ А.И. Тўраев, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Ўғуз қабила ва уруғларининг номланиши, ҳудудлар бўйлаб тарқалиши, XIV асрлардан бошлаб келиб чиқиши ўғузлардан бўлган янги уруғлар туркманлар таркибига кириб бориши ўрганилган. Ўғуз сўзи туркман сўзи билан алмашиши яъни бир этник ном бошқа этник номга айланиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўз: Ўғузхон, Гуюкхон, Ойхон, Юлдузхон, Кўкхон, Тоғхон, Денгизхон, ўғуз-қарлу, Моворауннаҳр, Кичик Осиёга.

Аннотация. В данной статье исследуется наименование огузовских племен и кланов, их распределение по регионам и появление новых огузовских кланов среди туркменского населения, начиная с 14 века. Говорят, что слово огуз заменяется туркменским словом, то есть одно этническое имя становится другим этническим именем.

Ключевые слова: Огузхан, Гуюкхан, Айхан, Юлдузхан, Кокхан, Тогхан, Денгизхан, Огуз-Карлу, Мовораунехр, Малая Азия.

Abstract. This article examines the naming of the Oghuz tribes and clans, their distribution across the regions, and the introduction of new Oghuz clans into the Turkmen population from the 14th century onwards. It is said that the word Oghuz is replaced by the Turkmen word, that is, one ethnic name becomes another ethnic name.

Key words: Oguzkhan, Guyukhan, Aykhan, Yulduzkhan, Kokkhan, Togkhan, Dengizkhan, Oguz-Qarlu, Movoraunnah, Asia Minor.

Марказий Осиё минтақасида умргузаронлик қилиб келаётган халқлар қадимдан тинч-тотув, куда-анда ва ҳаётий массаларни биргаликда ечиб келаётганликлари ҳақиқатдир. Инсоният тамаддунининг бешиги бўлмиш Бухоро заминидан ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, қарақалпоқ ва бошқа халқларнинг аجدодлари билан ёнма-ён истиқомат қилиб келаётган халқлардан бири туркманлар саналади.

Туркманларнинг келиб чиқиш тарихини ҳозиргача илмий асослари аниқланмаган ва бу илмий тадқиқотлар олиб бориш учун алоҳида мавзу ҳисобланади. Туркман халқларининг этногенези, шаклланиш даври, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга тарқалиши, хўжалиги, маданий ва маънавий ҳаёти оид маълумотларни ўрганиш VIII-IX асрлардан бошланган. Жумладан қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия” асарида кейинчалик Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатут-турк” ва XVII асрда яшаган тарихчи Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-таворих” асарларида ўз ифодасини топган. Туркманларнинг аجدодлари тарихини ёзган Хоразм ҳуқумдори Абдул-Ғози Баҳодирхон бўлиб, у 1660 йилда “Туркманлар шажараси” деб номланган асарни ёзиб, бу асарида туркман шажаралари ҳақида маълумот беради [5,75]. Аммо бу маълумотлар ҳам туркманлар шажараси тўғрисида тўлиқ маълумот ҳисобланмайди. Чунки Маҳмуд Қошғарий туркманлар шажараси тўғрисидаги маълумотларни охирига етказмаган. Бошқа тамондан эса бу асрда жуда катта муддат қамраб олинган бўлиб, кўпгина қимматли маълумотлар берилган.

Туркман ҳалқининг дастлабки ва этник шаклланишида муҳим рол ўйнаган компанен бу ўғузлар ҳисобланади. Ўғузхон давлатга асос солиб, турк халқлари бўлиниб кетган бир вақтда уларни бирлаштириб Ўрта ҳамда Кичик Осиёга, Хитой, Кавказ, Эронга ва ундан сўнг Мисргача бўлган ҳудудларга ҳарбий юришлар қилади. У афсонавий шахс бўлмай тарихда ўзига хос ўринга эга бўлган ҳукмдор бўлган. Ўғузхон етмиш иккинчи йилгача мўғул ва татарлар билан кураш олиб бориб, етмиш учинчи йил деганда уларни қўл остида бирлаштириб, мусулмон қилади [1,6].

Тарихдан маълумки, йирик қўшинлар томонидан қисиб қўйилган майда қабилалар (уларни уруғлар билан тенглаштирмаслик керак) иттифоқ туза бошладилар, бундай иттифоқ “ўғуз” деб атала бошланди. Ана шулардан тўққиз ўғуз (тўққиз жамоа) -уйғур, уч ўғуз-қарлуқ этнонимлари вужудга келган[3,70].

Ўғуз деб Ўғузхоннинг тарафдорларига нисбатан айtilган. Ўғузхон томонидан забт этилган ва кейин қўшилган халқлар эса “Уйғурлар” деб тилга олинади. Ҳозирги туркманларнинг авлодлари ҳақиқий ўғузлар бўлиб, Ўғузхоннинг шахсан ўзи уларга уруғ белгиси яъни “тамға” ни қолдирган.

Шундай қилиб, “ўғуз” сўзи дастлаб “қабилла” маъносини “бирлашган қабилаларни” англатиб кейинроқ жамловчилик маъносига эга бўлган этник номга айланган.

Ўғуз қабилаларнинг шаклланиши Ўғузхоннинг катта ўғли Гууюхон даврига тўғри келади. Ўғузхоннинг ҳаммаси бўлиб олтига Гууюхон, Ойхон, Юлдузхон, Кўкхон, Тоғхон, Денгизхон [1,11] номли ўғиллари бўлиб, фарзандлари биринчи аёлларидан тўрттадан ва яна бир нечта ўғил бошқа аёллардан кўрган. Юқорида номлари айтиб ўтилган фарзандларидан Ўғузхоннинг 24 та невараси дунёга келиб, булар 24 та уруғнинг уруғ бошлиқлари бўлади. Бундан ташқари бу уруғларда Ўғузхоннинг фарзандларининг иккинчи рафиқасидан дунёга келган ўғиллар ҳам яшаб, улар кўзга кўринган қўшин қўмондонлари бўлишганлар. Ана шундай кичик уруғларнинг бир нечаси бирлашиб битта “аймоқ” ни ташкил этган. Иккита “аймоқ” бирлигидан битта “юзлик” қўшин таркиби тузилади[5,75].

Демак, Ўғузхоннинг вориси Гууюхон ҳуқумронлиги давридан бошлаб, ўн иккита юзлик қўшин раҳбарлари яъни қондошлари ёрдамида марказий давлат бошқарув тизимини шакллантириб, ер-сув, солиқ, қўшин, чегара дахлсизлиги ва бошқа давлат аҳамиятига молик масалалар кенгашда ҳал қилинган.

XVIII-XIX асрларда ҳам туркманлар ҳаётида уруғ-қабилалар бўлиниши сақланиб қолган эди. Туркман қабиласи ва уруғларининг кўпчилигида ўғуз ва бошқа этнонимлар сақланиб, туркманлар этногенезида иштирок этган қадимги гуруҳлар номлари ҳам бўлган. Жумладан така, ёвмут, эрсари, сариқ, солур, човдур, гўглан ва бошқа қабилла, уруғларни мисол келтириш мумкин. Шунингдек кичкина гуруҳларга эмрали, алили, гарадашли, нахурли, мехинли, энибли, мурчали, сунчали, арбачи, ата, хожа, магтин, ших, саёт, мужевур, баёт, эски, мукр, улам, огуержили, абдал каби қабилалар жуда кўп кичик

уруғ бўлинмаларга –тира, уруғ, қавмларга бўлинган [4,18]. Масалан “така” қабиласи икки авлодга Отамиш (бег, анаули ва векил номли йирик уруғларга) ва Тўхтамишга бўлинган [6,662]. Ўруғларнинг ўзи ҳам майда қавмларга: бек ва вакилга, бекнинг ўзи гонур-аманшагўкче қавмларига бўлинган.

Шу тариқа туркманларнинг бошқа қабила, уруғлари ёвмут, эрсари, сарик, солур, човдур, гўгланларда ҳам бўлинишлар юз берган.

XIV асрлардан бошлаб келиб чиқиши ўғузлардан бўлган янги уруғлар туркманлар таркибига кира бошлади. Бу уруғлар қуйидагилар ҳисобланади:

А) Эски (Аяз деб номланган шахсдан тарқалган уруғ бўлиб) у Олтин Ўрда хонларига солиқ тўлашни тўхтатган уруғ бошлиғи бўлган.

Б) Али-эли ва хидр-эли (камбағаллик номидан келиб чиқган) ларга ҳам Хизр Жўра ва унинг ака-укалари ҳомийлигида ташкил топган.

В) Тиви-ши (чўпонлар гуруҳидан келиб чиқиб) Болхон худудида Олтин ўрда хонининг чорвасини боқган, кейинчалик туркманларга келиб қўшилади.

Г) Хизр, мўғулчик, кул ва қора кичкина уруғлардан (Хизр Жўра ва унинг ака-укаларидан) келиб чиқган. Бу уруғлар солур уруғи таркибига кирган[5,81].

Солур (Солўр) аслида Ўғизхоннинг бешинчи фарзанди Тоғхоннинг тўнғич фарзандининг исмидир. Солур уруғи вакиллари ана шу зотнинг насли ҳисобланган. Солўр-қиличли, қиличи бор, урушқок, жангари деган маъноларини билдиради. Солурларнинг кичик бир гуруҳи Олот туманидаги Мухтор Саййид Салим, Томчиғ қишлоқлари ёнида ўзларининг кичик қишлоғини ҳосил қилишган. Ҳозирги этнопонимга айланган Оғар ва Эмари қишлоқларининг номлари ҳам солурларнинг оғар ва эмари номли кичик уруғларидан келиб чиқган. Купчилик туркий элу-элатлар каби солурларнинг идизлари ҳозирги Хитой, Мўғулистон худудлари, Туркия, Сибирь кенгликлари билан боғлиқдир. XII-XIV асрларда солурларнинг катта қисми Ўрта Осиё худудларига кўчиб келган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лугатут-турк” асарида солур уруғининг номи салғур деб қайд қилинган ва уларнинг алоҳида тамғаси борлиги кўратилган[7,113,114].

Ҳозирда солурлар ва унинг таркибидаги уруғ номлари билан айтиладиган жойлар Бухоро вилоятининг туман ва қишлоқларида кўп учрайди. Ҳоттоки бу уруғ номи билан Хитойда мухтор вилоят, Туркия давлатида эса солурлар уруғи билан аталадиган жой номларини учратиш мумкин.

Манбаларни ўрганиш орқали шу хулосага келдикки, туркман қабилаларининг сони ва уларнинг этноними ҳозирга қадар баҳсли масалалардандир. Элшунос олимлар ҳанузгача туркман қабилалар сони борасида бир тўхтамга келишмаган. Қабила ва уруғларни бир-бирига қўшилиб кетган ҳолатларига ҳам шохид бўлдик. Масалан юқорида айтиб ўтилган эрсари ва солурлар адабиётларда икки хил тарзда қабила ҳамда уруғ деб айтилган. Ўғуз уруғлари сони борасида ҳам бир тўхтамга келиш қийин. Мисол учун тарихчи ва элшунос олим О. Туманович ўзининг Туркменистан и туркмены (материалы к изучению историй и этнографий) деб номланган китобида ўғузларнинг ҳаммаси бўлиб эллик бирта катта-кичик уруғлари бўлган деб таъкидласа, ушбу китобда VIII асрда солурлар Сирдарё томон келиб, араблар уларни Моворауннахр худудига жойлаштиради, улар қирқта уруғдан иборат эди, деб айтиб ўтади. Биргина солурларга тегишли уруғларни сони қирқта бўлса, барча ўғуз уруғлари сони бизнингча кўпчиликни ташкил қилса керак.

Бухоро воҳаси ва унга туташ худудларда яшовчи туркманлар ҳаётига узоқ даврда турли хил этник компонентлар қўшилиб, уларнинг маданий ҳаётларида ўзгаришлар бўлишига олиб келган. XVII-XIX асрларда бир гуруҳ ўрта Амударё туркманлари Зарафшон ва Қашқадарёга силжиб ўзбеклар, тожиклар, араблар ва бошқа туркман уруғлари орасига кириб, бирга яшаганлар.

Амир Шохмурод Бухоро амирлиги тахтини 1785 йил 9 июнда эгаллагач мамлакатни равақ топтириши билан бирга сарҳадлар кўламини кенгайтиришга ҳам эътибор қаратган. Марв атрофида 1785-1786 йилларда бўлган жангда шаҳар ҳокими Байрамалихон Кожар ўлдирилади ва унинг қўшини тор-мор қилинган. Марв Бухоро амирлиги тасаруффига киради. Амир Шохмурод бу худуд ва унинг атрофидан катта миқдордаги аҳолини кўчирган. Манбаларда уларнинг миқдори 20000-30000 киши деб тилга олинган. Улар Марв ҳокими Ҳожи Муҳаммад Ҳусайнхон бошчилигида Бухоро шаҳри ва унинг атрофларига кўчирилган. Ҳукмдор Бухорога кўчирилиб келтирилган Марвликларга яхши муносабатда бўлиб, улар учун шарт-шароит яратиб берган[2].

Кўчирилиб келтирилганларнинг аксарияти туркманлар бўлиши табиий. Чунки Марв Салжуқий ҳукумронлиги даврида марказий шаҳар, пойтахт вазифасини ўтагани сабабли, бу ерда туркман уруғлари кўпчиликни ташкил этган. Бухоро воҳасига турли даврларда кўчиб келган туркманларни қайси қабила ёки уруғга тегишли эканлигини ўрганиш ҳозирда муҳим вазифалардан биридир.

Туркман этнонимига тўхталадиган бўлсак, туркман номи V-XI асрлардан дастлаб форсча кўплик шаклида “Туркманак” кўринишида ишлатилган. Келиб чиқишига кўра туркманлар Турк қабилаларининг жаубий-ғарбий Олтой гуруҳига киради. Улар ўтмишда Туркистон ва Эрон ерларида унга яқин бўлган чўл худудларида ўтроқлашиш жараёнини асрлар давомида бошларидан кечиришган. Вақт ўтиши билан Моварауннахр худудида янги қабилалар пайдо бўлиб, улар туркий тилда гаплашиб,

бошқа халқлар “Турманенд”- “Туркларга ўхшашлар”, “Турк-мен”-“Ман-турк” деб атаганлар. Шу орқали доимий муомилада бўлиб келган “Турманен” этноними “Туркман” деб айтилган. Яна шундай тахмин борки “Туркман” номини улар яъни, ўғузлар араблардан олганлар. Ўғузлар томонидан жанглarda араблар қаттиқ қаршиликка учраб, уларнинг келиб чиқишини билмасдан шундай ном билан атаганлар. “Туркман” сўзи араб тилида “Турк-ман”, “Турк қалби, турклар жони”, бу гапнинг кўчма маъноси-“Турк одамлари” деган маънони билдирган[5,88].

Хуласа қилиб айтиладиган бўлсак, элшунос олимлар ханузгача туркман қабила ва уруғларининг сони борасида аниқ бир тўхтамга келишмаган. Ўзбекистон ҳудудида, шунингдек, Бухоро воҳасида истиқомат қилиб келаётган туркман қардошларимиз ота-боболари ким бўлганини, аجدодлари шажараси тарихини билиш, уларнинг илм-фан ва бунёдкорлик соҳасидаги ютуқларини ва йўл қўйилган камчиликларини кўрсата билиш зарур. Бугунги кунда туркманлар тарихи, этнологияси билан шуғуланиб келаётган тадқиқотчиларнинг олдида турган вазифанинг долзарблиги ҳам айнан шунда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. -Тошкент. 1995.
2. Амир Шохмурод ёхуд “Амири маъсуд” // “Бухоро мавжлари”. 2006 йил 2 феврал . 1-сон.
3. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. -Тошкент: “Фан”. 2007.
4. Толстова С.П., Жданко С.М., Абразона Н.А. Народы Средней Азии и Казахстана. -М.: издательство академии наук ССР. 1963.
5. Туманович О. Туркменистан и туркмены. Ашхабад-Полторацк. 1926.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Тошкент.: Давлат илмий нашриёти. 2004.
7. Ғайбуллаев С. Ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприк.-Тошкент.:”Lesson press”, 2019.

УЎК 93/94

ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ – РУС ШАРҚШУНОСЛИГИ МИСОЛИДА

Г.Б. Тўраева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада рус шарқишунослигининг шаклланиши, тараққиёти ва Шарқ мамлакатлари тарихи, этнографияси, археологиясининг шарқишунос олимлар ҳамда илмий жамиятлар томонидан ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Рус шарқишунослиги, Ўрта Осиё халқлари, Шарқ, Санкт-Петербург, дипломатик миссия, ўзбек халқи этнографияси, Ўрта Осиё олимлари жамияти, «Туркистон альбоми».

Аннотация. В статье к размышлению представлено о становлении, развитии российского востоковедения и изучении истории, этнографии, археологии восточных стран востоковедами и научными обществами.

Ключевые слова: русский ориентализм, народы Средней Азии, Восток, Санкт-Петербург, дипломатическая миссия, этнография узбекского народа, общество центральноазиатских ученых, "Туркестанский альбом».

Abstract. The article describes the formation, development and history of the Eastern countries of Russian Oriental Studies, and the study of the history, ethnography, archeology of the Eastern countries by Oriental scientists and scientific societies.

Key words: Russian orientalism, peoples of Central Asia, East, St. Petersburg, diplomatic mission, ethnography of the Uzbek people, society of Central Asian scientists, Turkestan Album.

Шарқ мамлакатлари ўзининг ноёб бойликлари, қадимий бой тарихий мероси, архитектураси ва этнографияси билан ғарб олимлари жумладан, рус шарқишуносларининг диққат марказида турган. Рус шарқишунослари ва дипломатик миссия вакилларининг Ўрта Осиё халқлари аҳолисининг турмуш тарзи, этник таркиби ва шаҳар меъморий қиёфаси, мадрасалар, масжидлар ва қарвонсаройлар сингари тарихий иншоотлар ҳақида қолдирган маълумотлари диққатга сазовордир.

1855 йилда Санкт-Петербург университетида Шарқ тиллари факультетининг очилиши ва Шарқ мамлакатлари тарихини ўрганилишида профессор-ўқитувчиларга, илмий изланувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб берилиши рус шарқишунослиги тарихида жиддий из қолдирди.

Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганувчи илмий жамият ва муассасаларнинг очилиши, илмий-адабий алоқаларнинг (ХІХ-ХХ аср) йўлга қўйилиши [1; 191-б.]. натижасида бой тарихий мерос тадқиқ қилина бошланди.

Россияда туркий халқлар тили ва тарихига илмий жиҳатдан қизиқиш аслида ХVІІІ асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Шарқ тиллари биринчи марта 1805 йилда Харьков университетида ўқитила бошланган ва бу жараён Қозон ва Петербург университетларида давом эттирилган [2; 270 -б.]. 1725 йилда Санкт-Петербургда Фанлар академияси ташкил қилинган.